

Сергели туманида яшовчи кекса меҳнат фахрийси Элдор Аҳмедов шундай хотирлайди:

— Бир пайтлар бу жойлар шахар ташқарисида бўлиб, кичкинагина Сергели қишлоғи бор эди. Кейинчалик пойтахтнинг йирик туманига айланган бу қишлоққа вокзалдан қатновчи ягона автобусда келиш учун роса бир соат вақт кетарди. Лекин қишлоқ тоза, шинамлиги, соф ҳавоси билан ажралиб турарди. Эсимда бор, йигирманчи-ўттизинчи йилларда бу ердаги торгина туПРОК кўчалар бўйлаб пастак, эски уйлар бўларди. Бутун қишлоқ ахли бир-бирини яхши танир эди. Уша пайтларда, балки ундан илгари ҳам бу манзилда турли миллат вакиллари бир оиладек ахил, ёнма-ён истиқомат қилганлар...

МЕХРЛИ НИГОҲЛАР

ДОНИШМАНДЛАРДАН бири шундай деган: «Дунё очик бир китобдир, лекин кимки сафар қилмаса, унинг фақат бир саҳифасинигина ўқийди». Инсон манфаатлари йилида юртимизда амалга оширилаётган кенг қўлмали ишлар салмоғини кўриш ва яққол тасаввур этиш учун Сизни бугунги Сергели тумани бўйлаб сафарга таклиф этмоқчиман. Бунинг сабаби бор, албатта. Чунки пойтахтнинг ушбу туманида тақдорланмас ўзига хослик бор: Сергелида гўёки бутун юртимиздаги ўзгаришлар, унинг барча гўзалликлари муҳассамлашган. Ҳатто, юқоридан қаралса, туман худудининг тузилиши ҳам худди Ўзбекистон ҳаритаси шаклини эслатади. Туманга кираверишда, темир йўл кўпригидан ўтилагач, «Инсон манфаатлари йили» деб ёзилган улкан алвонга кўзингиз тушади. Сўнгра бироз юрилган... ям-яшил даладар, қизгин меҳнат қайнаётган экинзорлар бошланади. Бу ерда ҳавонинг шаҳардагидан кўра мусаффолашганлигини сезасиз. Инсонга ризқ берувчи Она-ер, яшил табиат ҳақидаги эзгу туйғулар билан бир зумда Сергели—8 мавзесига кириб борасиз. Дикқатингизни энг аввало улкан автомобил бозори тортади. Турфа хил, балки бир неча ўнлаб турдаги автомобиллар қатор-қатор бўлиб тизилиб кетган. Бу ерда «ўзимизнинг» «Нексия», «Дамас» ва «Тико»лар ҳам кун сайин кўпайиб борапти. Президентимиз Асакадаги автомобиль заводининг очилиши чоғида юртимизда яшовчи ҳар бир оиланинг ўз шахсий автомобили бўлиши ҳақидаги орзуларини сўзлаган эдилар. Улкан бозор ва ундаги қизил-қуёвчан харидорларни кузатаётиб, ҳаёдан шундай ўй кечади: юртдошларимизда моддий-иқтисодий имконияти ортиб, машина сотиб олишга шароит туғилаётгани, демек бу тўқин келажакнинг хайрли истиқболларидандир!

Бутун шахримиздаги каби, Сергели туманида ҳам улкан микёсда қурилиш — ободонлаштириш ишлари қизгин олиб борилапти. Бир неча маҳалла гузарлари, қўйлик мавзесидagi шифохона, Сергели — 5 мавзесида мактаб, туман марказидаги маданият ва истироҳат боғи — ҳаммасида ишлар бир зум тўхтамайди. Буларнинг бариси Мустақиллигимизнинг 6 йиллик тантаналари арафасида



• «Омад-пласт» қўшма корхонасида замонавий чет эл дастгоҳлари ўрнатиляпти.



миятлари, 49 та қўшма корхона, 1502 та кичик ва хусусий тадбиркорлик тузилмаларининг иш фаолияти кенг таҳлил қилинди. 49 та қўшма корхонадан ўнтаси бевосита маҳсулот ишлаб чиқариш билан машғул.

1997 йилнинг биринчи ярмида туман иқтисодиётига капитал сармоялар киритиш ҳажми 292,7 миллион сўмни ташкил этди.

Албатта, рақамларда ифодаланган ҳисобот жарангдор янграйди. Аммо, «Минг марта эшитгандан бир марта кўрган яхши» деган гап бор. Биз тумандаги бир неча корхонада бўлиб, уларнинг фаолияти билан яқиндан танидик.

ОМАД КУПИБ БОҚСА...

«ОМАД — ПЛАСТ» Ўзбекистон — Малайзия қўшма корхонаси Сергели туманидаги «Омад-резина» ҳиссдорлик жамияти қошида ташкил этилган. Корхона тузиш ва маҳсулот ишлаб чиқаришдан аввал уни обдон хомчўт қилиш, яъни пухта бизнес режа тузиш лозим. Масалан, ишлаб чиқарилажак маҳсулотга талаб қандай? Хом ашё, ўртача таннарх масаласини қандай ҳал этиш мумкин? «Омад — пласт» ана шундай пухта ва истиқболли режа асосида иш бошлади. Корхона ёш, шунинг учун бир неча цехларда маҳсулот ишлаб чиқарилаётган бўлса, баъзиларида энг замонавий чет эл дастгоҳлари эндигина ўрнатиляпти. Корхона тўлиқ қувват билан ишласа, ойига 1 миллион дона полипропилен қоплар ва 35 тонна полиэтилен пакетлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Бу маҳсулотларга Ўзбекистонда талаб жуда юқори — ойига 40 миллион дона полипропилен қоплар зарур. Шунга кўра, Жиззах вилояти ва пойтахтдаги 2-тегирмон қошида ҳам ана шундай кичик-роқ қўшма корхоналар мавжуд.

— Ҳозирча 100 миллион дона маҳсулотга буюртма олганмиз, — дейди бош муҳандис Бахтиёр Абдунабиев. — Узоқ муддатли шартномага кўра, Тайвандан қоп тўкишга мўлжалланган замонавий «Делон» дастгоҳларини оляпмиз. Улар тўлиқ ишга тушгач, ишлаб чиқариш ҳажми ва имкониятларимиз кескин ортади. Бозор иқтисодиёти шароитида маҳсулотларнинг харидорлигини кўп жиҳатдан унинг идиши, рангдор пакетларига ҳам боғлиқ. Биз ишлаб чиқараётган пакетлар озиқ-овқат ва бошқа социлувчан маҳсулотларга мўлжалланган. Шунингдек, 100 килограммгача юк сизимига эга қоплар ҳам чиқарамиз. Ишда сифатда асосий эътиборни қаратяпмиз, чунки юксак технологияли маҳсулот ишлаб чиқариш ишга катта билим ва масъулият билан ёндашишни талаб этади. Шу мақсадда қўшма корхонага мутахассисларни танлов асосида ишга қабул қиламиз. Ҳозирча корхонада бир кеча-кундузда уч навбат ташкил этилган бўлиб, унда 140 нафар одам ишлайди. Келгусида ичимликларнинг пластмасса идишларини қайта ишлаб ноозик-овқат маҳсулотлар учун идишлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

КОМИЛ ИШОНЧ БИЛАН

БИЗ юқорида Сергелининг бир куни ҳақида имкон қадар мухтасар ҳикоя қилишга ҳаракат қилдик. Аммо айтиш керакки, биргина саҳифада барча соҳани қамраб олиш қийин. Иқтисодий жабҳада «Сергели» мебель ҳиссдорлик жамиятининг умидбахш дадил қадмлари, пўлат қанотлар — «Авиализинг»



Ўзбекистон Мустақиллигининг 6 йиллиги олдидан

Инсон
манфаатлари
йили


ЮРТ

Туманлар
йўқламаси:
Сергели

ЖАМОЛИ МУЖАССАМ



• Очик турдаги «Равшан йўл» ҳиссдорлик жамиятининг бош муҳандиси Саидбурхон Қориев ва 58-йўналиш ҳайдовчиси Рустам Гусейнов.



• «Авиализинг» авиакомпанияси тобора кўпроқ хорижий мижозлар эътиборини қозонмоқда.

БАТАН ИЧРА БАТАН

СЎЗНИ Ватан ичра Ватан ҳисобланмиш маҳалладан бошлашимизнинг боиси бор. Зеро, Инсон манфаатлари йилида миллий қадриятлар ва маънавиятимиз ўчоғи бўлмиш маҳаллаларни янада обод этиш, инсонлар учун энг муносиб турмуш шароитларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сергели туманида 157,3 минг нафар аҳоли истиқомат қилади. Мавжуд 31 та маҳалла жойлашув, имконият ва аҳолиси нисбатига кўра турличадир, бироқ улардаги битта умумий хусусиятни ало-

экан. Туман маҳаллалари худудидаги 500 та ахлат контейнерлари эрталабгача йиғиб олишга улгурилади.

Туман ҳокимлигининг Инсон манфаатлари йилидаги дастурига кўра, аҳоли турар жойларини юз фоиз табиий газ ва сув билан таъминлаш, кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялаш, аҳолини иш билан таъминлаш ва бошқа қатор муаммоларни тўлиқ ҳал этиш кўзда тутилган. Шунга таъкидлаш керакки, жорий йилнинг ўтган биринчи ярмида кам таъминланган оилалар учун «Маҳалла» хайрия жамғармасининг туман бўлими томонидан 8 миллион 200 минг сўмдан зиёд ёрдам пули ажратилди. Шунингдек, болали оилаларга нафақалар ва шу каби бошқа тўловларни ҳам бевосита маҳалла кенгашларида амалга ошириш тизими такомиллашмоқда. Шу йилнинг ўтган биринчи чорагида 16 ёшгача болали оилаларга нафақа тўлаш учун 23 миллион сўмдан кўпроқ маблағ ажратилди.

Аҳолини иш билан таъминлаш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Бунда асосан бевосита маҳалла худудида жойлашган корхоналар билан ҳамкорлик, шунингдек, янги иш жойлари яратишга катта эътибор қаратиляпти.

— Корхонамиз билан ёндош «Оқибат» ва бошқа яқин маҳаллалардан келувчиларни ишга қабул қиламиз, — дейди «Файз» ҳиссдорлик жамиятининг раиси, Олий Мажлис депутати Мукаррама Азимова. — Бундан ташқари, маҳаллалар билан турли тадбирлар ўтказишда ҳамкорлик қиламиз.

Байрамлар, умумхалқ шодиёналари энг аввало маҳаллалардан бошланади. Бундай тадбирларни уюштиришда туман ҳокимлиги, «Маҳалла», «Соғлом авлод учун», «Қамолот» жамғармалари, Халқ демократик партияси туман кенгаши ва хотин-қизлар кўмиталарининг ҳиссаси катта бўляпти. Масалан, ярим йил ичида «Маҳалла» хайрия жамғармасининг Сергели туман бўлими хайрия мақсадлари учун 500 минг сўмлик маблағ ажратди.

Умуман, туман маҳаллаларида ўтказилаётган хайрли тадбирларнинг рақамларда ифодаланган ҳисоботини узоқ сўзлаш мумкин. Мақсад битта: барча имкониятлар инсон манфаатларига хизмат қилсин!


Айни кунларда туманда яшовчи кам таъминланган оилаларнинг 300 нафар фарзанди «Маҳалла» хайрия жамғармаси ҳисобидан ёзги оромгоҳларда бепул дам оляпти.

РАҚАМЛАР ҲИКОЯСИ

СЕРГЕЛИ — ер майдони бўйича пойтахтдаги энг катта (6.000 гектар) туман ҳисобланади.



• «Йўлдош» — 16- мавзесидagi 200 ўринли шифохона биносини 50-қурилиш-монтаж бошқармасининг қурувчилари бунёд этишмоқда.



• «Йўлдош» мавзесидagi «Антиқа» оромгоҳида ўзингизни худди табиат қўйнида юргандек ҳис этасиз.

очирилиш кўзда тутилган. Туман иқтисодиёти — аллақачон чет элга маҳсулот сотаётган «Файз», «Сергели» мебель ишлаб чиқариш ҳиссдорлик жамиятлари, «Новатор» хусусий фирмаси каби кўплаб корхоналар ҳақида алоҳида ҳикоя қилса арзийди. Бозорлардаги тўқинлик, бошқа жойлардаги қараганда арзон нарх ҳам дарҳол эътиборни тортадиган хусусиятлардан биридир.

«Йўлдош» мавзесидagi тангадек офтоб тушмайдиган кўчалар ёзининг энг жазирама кунларида ҳам шаҳарнинг бошқа жойларига қараганда 4-6 даража салқин бўлади.

— «Қаштанли» кўчамизни кўрганмисиз? — деб сўради биздан туман ҳокими ўринбосари Нигмон Шамсиев. — Бунақаси шаҳарда ягона деверинг.

Қаштан дарахтининг алоҳида ноёб тури ўқдай тўғри кўчанинг икки четида қалин, бир текис ўсган.

— Май ойида келсангиз бу ердаги манзарага қараб тўймайсиз, — дейди Нигмон ака. — Худди шунга ўхшаш «Ёнғоқли», «Чинор» кўчаларимиз ҳам бор...

...Хуллас, Сергели жамолини бир мухтасар мақолада баён этиш қийин. Яхшиси, «Янги Сергели» кўчасида қурилаётган истироҳат боғига кечки пайт бир келинг, ўзингиз тақдорланмас гўзалликка гувоҳ бўласиз. Осмонда бодрокдек очилган юлдузлар қўл сувида жимир-жимир ақс этади. Туман мавзёлари, маҳаллалар ҳам нур қўйнида... Тўқинлиб кетасиз:

— Меҳрли нигоҳим билан сени кучаман, Ватан!



• «Янги Сергели» кўчасидаги маданият ва истироҳат боғи қурилишида.

рилган маҳсулот ўтган йилдаги қараганда 112 фоиз ўсиш бўлганини кўрсатди. Айниқса, «Каркас» (182 фоиз), «Файз» (120 фоиз), «Мебель» (116 фоиз), «Қурилиш ашёлари ва конструкциялар» (120 фоиз) ҳиссдорлик жамиятлари яхши натижаларга эришдилар. Бозор муносабатларига ўтилиши туманда 163 та хусусий корхоналарнинг очилишига қўлай замин яратди.

Энг сўнгги маълумот: шу йилнинг 1 июнида Сергели туманидаги 46 та ҳиссдорлик жа-

вакомпаниясининг хорижий мижозлар билан ҳамкорлиги, очик турдаги «Равшан йўл» ҳиссдорлик жамияти (12-автокорхона) ва масъулияти чекланган «Кавсар фидойи» жамиятларининг тахсинга сазовор фаолияти ҳақида алоҳида ҳикоя қилса арзийди.

Сергели тумани шахар микёсида кўпгина соҳа ва ижобий кўрсаткичлар бўйича «энг биринчи» деган юксак сифатга тобора кўпроқ сазовор бўляпти. Масалан, «Сергели» футбол клубини «энг тезкор жамоа», дейиш мумкин. Ўтган йили 2-лиганинг 14-поғонасидан «юриш» бошлаган сергелиликлар бир йил ичида ўн поғона юқорилаб, ҳозирда 4-ўринни банд этдилар. Келгуси йил «Янги Сергели» кўчасида 10 минг ўринли стадион қуриш режалаштирилган. Бу ўйингоҳни ҳам «Сергели» клуби ўзининг юксак кўрсаткичлари билан «забт» этиш ниятида.

«Сергели» таэквандо клубини республикадагина эмас, эндиликда чет элларда ҳам яхши билишади. Туман спортчилари яқинда Мексикада ўтказилган халқаро мусобақада фахрли 4-ўринни эгаллаб қайтидилар. Шунингдек спортнинг бошқа турлари бўйича эришилган ютуқлар ҳақида ҳам узоқ сўзлаш мумкин.

Сергелиликлар эртанги кунга комил ишонч билан турли жабҳаларда барақали меҳнат қилмоқдалар. Бирдамликдаги астойдил сайй-ҳаракатлар эса албатта ўз натижасини беради.

Саҳифани Бахтиёр ҲАЙДРОВ тайёрлади.
Суратларни Рустам Шарипов тасвирга туширди.

МУСТАҚИЛЛИК ОДАМЛАР ТАҚДИРИДА

МИРМУХСИН.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

НУРГА ИНТИЛИБ

Инсон мусавфоликка, нурга интилади. Кўп йиллар давомида димиқиб, ҳавоси бузилган уй-дек, бутана бўлиб балиқлари ҳалок бўлаётган кўлга ўхшаб қолган жамиятимизга Истиқлолнинг буюк дарёси оқиб тушди. Сув ҳам, ҳаво ҳам, инсон ҳам ўзгарди.

«Аллоҳ гўзалдир ва у гўзалликни, покликни севади», дегандилар ўз ҳадисларида Пайғамбаримиз. Халқимизнинг асрий кураши, матонати рўшноликка сабаб бўлди. Зулматнинг умри қисқа, ёруғ кунлар келишини кутдик, курашдик, димиққан хоналар, кўлмаклар... орқада қолди, озодлик, мустақиллик шарофати — пойтахтимизда, бошқа шаҳарларимизда боғлар, кўркам бинолар барпо этилаётгани кимни қувонтирмайди дейсиз! Инсон қалб-бан ўзгармоқда. Шу улуг кунларга етиб келиб, хизмат қилаётган кекса — фахрийлар ҳам фахримиздир.

Менинг тақдиримга туташ тенгдош қаламқаш мўйсифидлар ичида йимони бўш, иккиланувчи шахслар йўқ! Гарчи бу титроқ кўллар ботмон юкни кўтара олмаса-да маҳорат ила катта ишларга қодир. Заргарлар, қандакорлар, сартарошлар қариганда қўли қалтироқ бўлиб қоларкан. Сафдан чиқиш эмас, тафаккур билан катта ишлар қилмоққа қодир десак хато бўлмайди. Сукроти ал-Хоразмиайлар «Танграм», сен бир таянч нуқтаси топиб бер, сен берган илм — қўлимдаги асо билан куррани кўтараман!» деган эканлар.

Ха, ахиллик, дўстлик, меҳрибонлик бебаҳо инсоний фазилатдир. Ноиноқлик, тарафқашлик оқибатини мана бу Афғон заминда кўраётимиз. Жоҳиллик, оқибатсизлик, чет эл найрангларига учмоқ — толибонларнинг ваҳшийлиги кечирилмас гуноҳдирки, ҳеч қачон дини ислом оғаниларни бир-бирининг қонини тўкиши, илм-маърифатдан юз ўгириш, оналарни хор этиб, қоронғуликка итармоқ қўшимиз Афғонистонда ўзининг хунук томонларини кўрсатаётгани биз адибларни ташвишга соломқда. Мен Афғонистонда бўлганман. Афғонистон ҳақида «Чодирали аёл» қиссасини ёзганман. Қисса афғон ва туркман тилларига таржима этилган. Аммо ҳозирдагидек, бунчалик ваҳшийликларни кўрмаганман!

Кечагина Киргизистон шахри Чўлпонотадаги кенгашида, ундан аввал Ашхободда ва Тошкентда Президентимизнинг Афғонистон хусусидаги фикри гўягидека тўғри, иншооллоҳ!

Ҳамма замонларда ҳам ноёблик қадрланган. Ўзини таманно этишга ружу қилган, доимо манманликка берилганлар тезда эл эътиборидан қолади. Жомакор кийиб, меҳнат қилган, дастгоҳлари — лабораториялари доимо шай, енг шимариб, бел боғлаб ишга берилмоқ — тўғри йўлдир. Ҳадеб ясан-тусан, ҳадеб баландларвоз — пўрсилдоқ мисрлар шовқуни билан қулоқни битирмоқлик меъдага тегади.

Бу, бизнинг гўзал адабиётимизга ҳам тааллуқли, адабиёт — абадият демак, у ўлим билмайди, у гийҳдек тошни ўйиб чиқиб, қуёшдан нур эмади. Тақдиримиз юқорида айтилгандек озод ва мустақил мамлакатимиз тақдири билан боғлиқ, қалбимиз шу озод ва мустақил мамлакатимиз тақдири билан боғлиқ қалбимиз шу озод ва мустақил мамлакат олиб бораётган нурли ва ҳаққоний сиёсат билан вобастадир.

Адабиётимизнинг паровозлари бор, улар чекка йўлда зангламасин, қудратли гилдираклари доимо айлансин! Мустақиллигимизга олти йил бўлди, адабиётимизда ҳали кўлга олса арзийдиган, меҳмонларимизга совға этадиган, мустақиллик тарихи — янги тарихимизни қуйлаган, кўламли пухта романлар керак. Кунлар, ойлари, йиллар ўтмоқда, кўламли монументал бадий пухта асарларга ўқувчи чанқоқ. Буюк келажак ҳозирдан бошланади. Катта ишлар ҳам ҳозирдан бошланмоғи лозим. Эллик-олтмиш йилдан кейин биров келиб бизга катта роман ёзиб бермайди. Яратадигани чин қора кўзлар — адиблар ўз орамызда.

Озодлигимиз, мустақиллигимиз шодиёна кунлари тобора яқинлашмоқда, барча ватандошларимизни чин юракдан муборакбод этамиз, бахту омад тилаймиз.



Севинч кўнган нигоҳлари,
Кўзларида олам яшарин,
Уч дугона бири-бирига,
Айтаётир қалбадаги сирин.

Елғиз даракт солади қулоқ,
Елғиз шамол олиб қочади,
Кўзлар сирин дустон қилароқ,
Замин узра аста сочиди.

Кўзлар қалбин сирин —
муҳаббат,
Юрагиди севинчир бўлоқ,
Ер бўйсун доим сароқат.

Порлаб турсин мисоли чирок,
Равиш Альбеков
олган суратлар.

Ҳиндистон пойтахти Деҳли шаҳрида «Марказий Осиё маданият тарихига оид обидаларни ўрганиш» мавзuida илмий конференция бўлиб ўтди. Анжуманда Ҳиндистон, АҚШ (маъруза мазмунлари билан), Франция, Германия, Англия, Хитой, Швеция, бизнинг минтақадан — Ўзбекистон, Қозғистон ва Туркманистон вакиллари иштирок этидилар. Ушбу конференция ЮНЕСКОнинг «Буюк ипак йўли» дастури доирасида ташкил этилган бўлиб, унда ана шу дастурнинг бош директори, ЮНЕСКО вакили доктор Доудой Дайна иштирок этди. Анжуман Деҳлидаги Индира Ганди халқаро йиғинлар мажмуида ўтказилди. Унинг қаҳирилишига бевосита ташаббускор бўлган ана шу мажмуа президенти, Индира Ганди номидаги халқаро санъат маркази раҳбари доктор Капилла Ватсяян барча илмий-ташқилий ишларга бош-қош бўлди.

Деҳли конференциясининг очилишида ЮНЕСКО вакили бу тадбирнинг ўтказилишидан мақсад Марказий Осиё халқлари қадимий маданиятини ўрганиш, Буюк ипак йўлига бевосита дахлдор ушбу минтақа мамлакатларининг ўзаро ва жаҳон халқлари билан бўлган қадимий муносабатларига оид тарихий ашёларни шу минтақанинг яхлит маданияти сифатида тадқиқ этишни йўлга қўйиш, бу ишга Марказий Осиё ва бошқа мамлакатлардаги мутахассисларни жалб этиш, бу борага таълуқли ягона ахборот-компьютер тизимини вужудга келтириш каби қатор масалаларни атрофлича муҳомада қилиш, тақлиф этилган олиқларнинг фикр-мулоҳазаларини эшитиш, мавзуга тааллуқли илмий маърузаларни тинглаш эканлигини таъкидлаб ўтди. Шу билан бирга у Марказий Осиё халқлари маданияти тарихига бағишланган ушбу илмий анжуманининг бу минтақада тинчлик ва оқоийшталликни барқарор этиш, ундаги халқлар ўртасидаги биродарлик муносабатларини яхшилаш ҳамда ривожлантириш ишига маълум ижобий ҳисса бўлиб қўлишига умид билдирди.

Конференцияда уч кун давомида 20 дан ортиқ илмий маъруза тингланди ва улар юзасидан мунозаралар бўлиб ўтди. Унда ҳар бир мамлакатдан келган вакил биттадан (фақат ХХРдан иккита — Пекин ва Урумчидан), Ҳиндистоннинг ўзидан бир неча маъруза эшитилди. Англия, Франция, швейцариялик олимлар Марказий Осиёнинг турли мамлакатларида кейинги йилларда кашф этилган қадимий буддизм эҳромулари, улардаги ақойиб диний санъат намуналари ҳақида тасвирий намойиш билан чуқур илмий маърузалар қилдилар.

Конференцияда археологик топилмалар, меъморий ва санъат ашёлари билан бир қаторда анжуманларимиздан бизгача етиб

МАДАНИЯТ ОБИДАЛАРИМИЗ —
ДУНЁ ЭЪТИБОРИДА

келган ёзма манбаларни ўрганиш муаммоларига ҳам алоҳида эътибор берилди. Бу масалада Хитой Халқ Республикаси Шинжон ижтимоий фанлар академиясининг вице-президенти Ли Зи Шао «Қадимий хитой ёзма манбалари ва ҳужжатларида Марказий Осиё маданияти масалалари» мавзuida ва қамини «Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар мажмуаси» ҳақида маъруза қилдик. Уларда ёзма манбаларнинг маданият тарихини ёритишда беқиёс аҳамияти таъкидлангани билан бир қаторда ҳар иккала маърузада Марказий Осиё халқлари маданият тарихи ва ўзаро маданий муносабатларини ўзида акс эттирувчи қатор асарлар кўрсатиб ўтилди.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, конференция қатнашчиларида Ўзбекистонда сақланган ва Марказий Осиё халқлари маданият тарихи учун бетакорр манба бўлган қўлёзмалар мажмуаси катта қизиқиш уйғотди. Ҳиндистоннинг турли қисмларидан келган илмий марказ ва университет вакиллари айниқса Х асрда амалда унутилган қадимий санскрит тилини ўрганган ва ундаги қатор асарларни арабчага ўнгирган буюк ватандошимиз Абу Райхон Беруний асарлари ҳамда бизда сақланган ва Ҳиндистоннинг бошқарилар империяси тарихига оид қўлёзмалар билан яқиндан танишиш иш-тиёқини баён қилиб чиқдилар.

Туркистон минтақаси мамлакатлари вакиллари номидан яқини нутқ сўзлаш қаминга тақлиф этилди. Конференциянинг аҳамияти ҳақида гапириб, унинг Марказий Осиё халқлари маданияти тарихини ўрганиш йўлида катта қадим бўлганлигини таъкидлаб, мамлакатларнинг руҳидан келиб чиққан ҳолда қўйидаги масалалар устида тўхталиб ўтдим: Бу минтақада Буюк ипак йўли бўйлаб жойлашган ўнлаб халқлар ҳозир янги тарихий шариоитда ҳаёт кечирмоқдалар. Уларни нафақат маданий муштараклик, балки маълум тарзда тарихий тақдир бирлиги ҳам ўзро боғлаб туради. Чунки бу минтақадаги халқларнинг ҳаммаси у ёки бу тарзда мустақиллашчилик ҳукмронлигини ўз бошларидан кечирганлар. Бу ҳол қадимий ва бой

Биз ва жаҳон

маданиятимиз ашёлари ва ёдгорликларининг маълум қисми тарқалиб кетишига сабаб бўлди. Бу тўғрисида минтақадаги ҳар бир мамлакат тарихидан қўлаб мисоллар келтириш мумкин. Ўз юртим ўтмишидан фақат бир воқеани баён қилиш билан чекланман. 1873 йилда рус генерали фон Кауфман Хивага ҳужум уюштирганда унинг ёнида таниқли шарқшунос-олим Кун ҳам бор эди. Туркистонни босиб олиш ниятида келган рус генерали уни муайян мақсад учун бу ерга ўзи билан бирга олиб келганди. Хива хонлиги забот этилган, генерал шу юртининг моддий бойликлари талаган бўлса, шарқшунос Кун унинг маънавий бойликлари талаш билан шугулланди. Шу тарзда Хивадан юзлаб нодир қўлёзмалар, тарихий ашёлар, давлат архиви Санкт-Петербургга олиб кетилди. Улар ичида буюк ўзбек тарихчи олимлари ва шоирлари Мунис ва Оғахилларнинг дастхати билан битилган «Фирдавс-ул-қибол» асари ҳам бор эди. Бу нодир қўлёзма муқовасига «Ғолиб рус шамширидан император ҳазратлари кутубхонасига совға» деб ёзиб қўйилган. Бизнинг қўлёзмалар фондида эса шу асардан қучирилган нусхалар сақланмоқда, холос. Унинг асл нусхасини ўрганмоқ учун энди биз Петербургга мурожаат этишимиз лозим бў-



Ёзининг гаштини суриш билан биға болалар юртимиз табиятини ҳам ўрганадилар.

Болалигим Бешёғоч даҳасига қарашли Эшонгузар, Лақлақхона маҳаллаларида ўтган. Базан ёшлигимни қўмсаб, уларнинг изларини қидириб қоламан. Собик Лақлақхона маҳалласидаги қўчиликка таниш икки қаватли гиштин бино пештоқига ўрнатилган ёдгорлик тахтачасидаги ёзувларга кўз югуртираман:

«Саид Камолхон (1876—1941).

Саид Камолхон домла Қаҳҳоров — ўзбек маърифатпарвари, элшунос, шарқшунос, адлия ходими, XX аср бошларида Тошкентда янги услубдаги мактаблар очган, Петербург ва Ўрта Осиё давлат университетларида дарс берган биринчи ўзбек зиёлиларидан».

Хаёлан буюк ўзбек адиби Абдулла Қодирийнинг ўғли Хабибулло Қодирийнинг «Отам ҳақида» деган хотираларини ва рақайман:

«1932 йил баҳориди мен бел-оёқ оғриги бўлиб қолдим. Дўхтир, табибларнинг дори-дармони наф беравермагач, пишиқчилик кезларида дадам мени «хаво ўзгартирсин, қимиз ичин» деб, Тошкент чеккасидаги Қонқус қишлоғига (Зангиота яқинида), Камолхон домла исми дўстининг дала ҳовлисида олиб бориб, ташлаб қолди.

Камолхон домла жуда майин сўзли бўлиб, дадамни «сен» сирар эди. Дадам суҳбат чоғида домлага кўпинча ҳазил-мутойиба қилиб сўзларди. Домланинг «касби» ва «хислат»лари ҳам кўп эди: намозда имомликка ҳам ўтаверар, боғбонлик қилар ва диний илмлардан маъруза ҳам ўқийверар, қишлоқ аҳолисига томир

қўриб табиблик ҳам қилаверар, меҳмондўст, саховатпеша, дилкаш суҳбатдош, улфат эди. Мен домланинг уйида «эрка ўғил» бўлиб яшардим. У менга табиблик қилиб, ҳар кун қандайдир

сиддинхўжа, Асомиддинхўжа, Шамсиддинхўжа (мударрис), Саид Камолхон, Жўрақхўжа ва икки қизлари (Робияхон ва Каттақхон)лардан тарқалган авлод-аждодлар ҳозирги пайтда фан, техника, адабиёт, санъат, маданият, тиббиёт, умуман халқ ҳўжалигининг турли соҳаларида фидокорона меҳнат қилишайтганига гувоҳ бўлдим. Менга тааллуқли, ибратли ва фахрли бўлган жойи шундаки, катта бобом Абдурахмонхўжанинг опалари

Ёнамо

АВЛОДЛАР ДОВОНИ

ўсимлик илдизини (томир дори) дамлаб ичирар, қувпишиб кун билан қимиз ичишга қистар ва профессор Фитратнинг араб алифбосидаги «Ўзбек адабиёти намуналари» китобидан ҳар кун оз-моз ўқитиб, дарс бера эди.

Дадам ҳар жума кун эрталаб барвақт (кун қизиб кетмасдан) мени кўргани борар, кечгача домла билан суҳбатлашиб, кечки пайт базан мен билан Қонқусда янги ташкил этилган давлат ҳўжалигини айланар, шанба кун эрталаб уйга қайтар эди».

Кейинчалик мен Камолхон домланинг шажараси билан қизиқиб, бу ҳақда тўплаган маълумотларни умумлаштиригимизда катта бир кашфиёт очгандек, теримга сиймаг севиндим, хайратга тушдим. Унинг отаси Абдуқаҳҳорхўжанинг 7 ўғли (Фазлиддинхўжа муфти), Тиллақхўжа, Ғиё

Робияхон менинг катта бобом Абдурахмонхўжага турмушга чиқиб, бизнинг бир авлодимиз — Раҳмоновлар сулоласига асос бўлган.

Лавҳамиз қаҳрамони Камолхон домланинг шахсий ҳаётларига оид маълумотларга назар ташласак, уларнинг Султонхон ва Умрихон бувиларимиз билан умргузаронлик қилиб, Муҳиддинхон, Садриддинхон, Хайриддинхон, Пасихиддинхон исмли мумин-қобил, иймон, инсофли фарзандлар, зуредлар қолдирганликларига гувоҳ бўламиз. Зеро, уларнинг ҳар бири ҳақида фахр ва ифтихор билан кўп ва кўп гапириш, ёзиш мумкин. Бу лавҳада фақат уларнинг айримларининг номини тилга олиш кифоядир: тиббиёт фанлари номзоди Имоиддин Муҳиддин, техника фанлари номзоди Шарофиддин Муҳиддин, Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, техника фанлари доктори, профессор Азимдин Садриддин, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тиббиёт ходими Масловиддин Садриддин, адабиётшунос Раънохон Камолова... Бу рўйхатни яна давом эттиришга зарурат йўқ. Энг асосийси, ўтган авлод-аждодларимизнинг исмлари ва жисмлари ҳамиша барҳаёт бўлиб, руҳлари шод этилмоқда, уларнинг анъаналари йимони бутун, эътиқоди мустаҳкам авлодлар қалбида, ишида давом этмоқда.

Искандар РАҲМОН.

Драматург Ҳайдар Муҳаммаднинг буюк Алишер Навоийнинг «Саъйи сайёр» достони асосида ёзган сахна асарида шоҳ Баҳром Гўр меҳмони бўлмиш рассом Монийга шароб қуйиб узатиб, шундай дейди:

Шароб тутдим заранг қосада,
Хузур берсин танангга меҳмон.

Заранг қоса ҳунармандлик турларидан бири эканлиги, унинг яратилиши, усталар меҳнати, бу буюм рўзгорбоп эканлиги ҳар қандай кишида қизиқиш уйғотди.

«Заранг» атамаси чайир, қаттиқ маъносини беради. Нафақат заранг қоса, халқ усталари шу буюмга тиркаб, заранг пиёла, заранг қошиқлар, хатто заранг лагандан тортиб, заранг тоғораларгача яратишгани маълум. Замон заили билан бу буюмларнинг ўзига ҳос чиройли номлари ўз-ўзидан йўқолиб, ҳеч ким тилга ҳам олмай, унутиб юборилди.

Қирқинчи-эллигинчи йилларда шунақа буюмларни ёғочдан ясайдиган «уста амаки»лар қўлаб топиларди. Буюмларни маҳалла-маҳалла, қишлоқ-маҳалла қархатон кишими, жазирама ёзми, об-ҳаво шароитларини писанд қилмай, сотиб юришар, ким қандай буюмга берса дарров қабул қилиб, айтганларидан ҳам зиёда қилиб, вақтида етказиб туришарди.

Халқ усталари қўплигидан ҳеч ким уларнинг исм-шарифларини сўраб-суриштириб ўтиришмасди. Бирор уста ҳам исмини айтмас, мабодо сўраб қолишса: «Э, биродар усталарнинг пири бўлади. Фалон уста ишлабди, деб, номимизни қўқларга кўтариб юришларини истамаймиз», дейишарди улар.

Ҳунармандчилик

ЗАРАНГ ҚОСА

Кўҳна «Бекобод» маҳалласида яшайтган уста Мавлон амаки ҳарид қилиб олинган, усталар ясаган хилма-хил ёғоч буюмларни кўрсатганимизда буюм эгаси қимлигини дарров айтиб беришларига қойил қолардик. «Бу қияз ўйида ишлаган устоздошлардан бири, бешёғочлик катта уста Фулом, буниси уста Зокир, мана бу заранг қосани кўргонтегилик уста Толиб ишлаган» дердилар. Топқирликларга қизиқиб, уйимиздаги бор ёғоч буюмларни йиғиб, кўрсаттаверардик. Уста амаки бизни алдамасдилар. Билсалар билганларини айтдилар, билмасалар «Э, буларнинг билолмадим, бошқа биров айтиб бера» дердилар. Сирасини айтганда, уйимиздаги ёғочдан ишланган жуда кўп сирли, сирсиз заранг қоса, заранг пиёла, заранг қошиқ қабилир уста Мавлонники эди. Заранг қоса, заранг пиёлалари ҳам енгил, ҳам чиройли эди. Бежирим гуллари, табиат манзараларини томоша қилиб завқларга тўлардик. Шўхлик қилиб, қўлимиздан тушириб юборганимизда ҳам синмасди. Балки, усталар шу буюмларни биз болалар учун яратадиган, деган ҳаёлларга борардик. «Заранг қоса», «заранг пиёла», «заранг қошиқ»ларга ишланган нақшлар сарфатки гул, кунгабоқар каби ноки, бежирим гуллар жуда ярашқили эди. Кейинроқ билсак, бунини сиркорлик санъати дейиларкан. Халқ усталари ёғоч буюмларга сир бериш, табиат манзараларини тасвирлашда мусаввирлардан қолишмаслигини пайкаш қийин эмас. Бу буюмлар ёнғоқ, ўрик, тут, қайрағоқ, чинор, беҳи, терак, нок каби дарактлардан ясаларкан. Ёғоч буюмининг ҳосияти, нафосати, сирлари ҳақида уста Мавлон амаки бизга ҳудди ошналари билан давра қуриб ўтиргандек тез-тез ҳикоя қилиб турардилар.

Қайси уста билан суҳбатлашаман, «Устани уста қилган унинг қуроли, иш қуролини соз бўлса, иш унуминг ҳам соз бўлади» дейишганича бор. Халиям қўлигил, қобилиятли, умидли ёш усталар чиқаяптики, иш қуролилари бўлмагач, ҳеч ким ёрдам бермагач, бошқа ишларда ишлаб, афсусланиб юрганлар талайгина. Илгарилари усталар буюмларини фақат кўл кучи билан бажаришар, эл-юртга манзур бўладиган турли хил рўзгорбоп буюмлар ясашилар. Шон-шўҳрат орқасидан қувиб эмас, «уста» деган ном бўлса бас эди. Ҳозирги пайтда кўпини дастгоҳлар бажаради.

Заранг қоса қадимий шоҳлар эъзозлаган, меҳмон ҳурматиға лойиқ нафосатга бой, яхши кўнларга оид буюм экан, шунини баҳонасида ёғоч буюм ва унинг усталари ҳақида эсладик. Шу боисданки, заранг қоса, заранг пиёла, заранг қошиқ, заранг тоғора қабилир, чўчим ва қозон товоғигага инсон саломат юришига қони фойда эканлигини бува-бувиларимиздан кўп марта эшитганмиз. Хатто ўғир ва унинг даст-тасигага, ота-буваларимизнинг бир қорига яраб, турли шариотларда хушнуд этиб келибди. Биз тилга олган ёғоч буюмлар ҳозирги кунда нега қўринмай қолди? Фақат айримларини бошқа қўринмай, бошқача усулда кўзга ташланиб (кўргазма, айрим савдо тармоқлари, устакхона дўконларида) яна қойиб бўлади. Қадимий ҳунармандлик турлари — рўзгор буюмларига эътибор берсак, кўнгидагидек иш бўларди.

Маҳмуд АХМЕДОВ,
Ўзбекистон Бадий академияси ишқорлар уюшмасининг аъзоси, санъатшунослик илмий-тадқиқот институтининг илмий ходими.

Диллашув

САНЪАТГА
ПАЙВАНД
КЎНГИЛ

Марям Ихтиёрова Муқимий номидаги ўзбек Давлат мусикали театрининг етакчи актрисаси. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Марям Ихтиёрова ихлосмандлари кўп санъаткор. Қалби очик, мушоҳадали, фидойи...

— Марям опа, болалиқда инсон бирон бир касбнинг эгаси бўлган, дейди-да, лекин катта бўлиб воқеа етганида бошқа бир касбнинг эгали бўлиб кетди. Сиз ким бўлишни орау қилгансиз?

— Ёшлигимдан бошлаб сахнада роль ўйнайдиган актриса бўлган, пойтахтда, катта театрларда турли қаб қабларини ўйнаган, дегуви эдим. Орауларим рўйга чиқди: «Кумуш туй» да врач, «Осмондаги дийдор» да учувчи киз, «Қорақалпоқ кизи» да комиссар ролларини ижро этдим.

Сўхбатимизнинг биринчи сиз «Холисхон» («Паранжи силари») спектакли театрида учинчи бор қайта сахналаштирилганда Мастура сатанг ролини ўйнадинг. Айдан сўнг бу ролни ижро этиш менга жуда оғир бўлган, дедингиз. Айтингчи, Айдан қайси фазилатлар сизга ўрнак бўлган?

— Аяжонимиз бир хазина эдилар. Сахий қалб, тилга бой, жуда ҳазилкаш. «Нурхон»да Кимё ҳола ролини ўйнаганларидан кейин бутун театр жамоаси у кишини Ая деб атаётди. Ҳаётда Лутфихон Аяннинг жуссалари кичик бўлса-да, аммо менинг кўзимга Мастура сатанг ролда жуда баҳайбат бўлиб кўринарди. Мен ҳам Мастура сатангнинг ўйнаётганимда жуда кўп нарсаларни улардан ўрганганман. Ая фарғоналик кичик бўлган, бироқ унинг ҳазил-мутойиба бўлиб қайнаб чиқарди. Хар бир сўзни лапар қилиб айтди. Тугилган кунлари, байрамларда йўқлаб борса, хар доим эшикдан «Нурхондан ашула айтиб киради». Улар умрларининг охиригача сахнада яшадилар десам муволафа бўлмас. Хар доим кўзларидан сурма, қўлқўларидан бир тутам раҳшон, қўшларидан ўсма бўларди. Районини жуда-жуда севардилар. Қаламқирмунчоқ билан хўрозқанд жону диллари эди. Сора Шонутураева, Яйра опа, Лиҳахоним, Учқун Ғаниев, Ғавҳар Раҳимов уларга доим ана шу яхши кўрган нарсаларини олиб боришарди. Сўнг ҳаммалари бир-бирларига қараб қийқириб қўлишарди. Бунинг тағдида бирон бир сир бормиди, билолмадим. Бизларга юқориди таъкидлаган Аяннинг ҳамма фазилатлари ўрнак эди.

— Марям опа, сиз Бахтиёр Ихтиёровдек ёрқин истеъдод соҳиб билан ҳамнафас, ҳамфикрсиз. У киши сизнинг ихлодингизга қандай муносабатда бўлган?

— Бахтиёр Ихтиёровни катта истеъдод эгаси деб биланман. Биз Бахтиёр ака билан кўрсуд эдик. Улар менинг меҳнатсеварлигимни, тиришқоқлигимни қадрлардилар. Улар режиссёрлик қилган спектаклларда ўйнаган ролларини энг муваффақиятли қилган. Шу ўринда «Хўлаи шарый» спектаклини тилга олиш мумкин. Сахнада энг қийини кўп қиррали ҳамда ўткир характерли роллар ўйнаш. Менинг актрёлик маҳоратимнинг очилишида уларнинг кўп меҳнатлари бор.

— Айтингчи, бўш вақтингизда нима билан шуғулланасиз?

— Бўш вақтим бўлса, албатта фарзандларимнинг оғизга мазали овқат тўтишни ўйлайман. Ахир мен ҳам онаман. Ҳазил деб ўйламанг ўмон пазанда эмасман. Уйғур лағмонини чўшида улардан қилишмайман, девзира дамлашни ҳам боғлайман. Кечқурунлари китоб ўқийман. Ҳозир ёзувчи Тохир Малиқнинг «Шайтанат» романининг учинчи китобини қўлидаман.

— Яқинда ойнаи жаҳонда намойиш этилган «Кўнгил кўчалари» видеофильмидаги Гулсанам ролининг ижросидан ўзингизнинг кўнгилгиз тўлдингиз? Назаримда нимадир етишмаётгандай туюлди.

— Гулсанам жуда мураккаб аёл. Ҳаётда жуда кўп қийналган. Ўзининг ўйнаган ролларидан хар доим кам кўнглим тўлавермади. Менимча бу табиий. Хар бир кишининг камчиликлари вақт ўтган кўза ташланади. Энди бўлганга томошабинлар бахони беришсин.

— Ҳозир юқориди мураккаб аёл деган жумлани ишлатдингиз. Ўзингизчи, ҳаётда қандай сиз? Умуман қайнона-келини муносабатлари ҳақида фикрингиз?

— Бизда «Қайнонали келин — қарқара келин, қайнона-келини — масҳара келин» деган ибора юради. Қайноналар ва келинлар ўртасидаги моҳарлар бўлаверади. Чунки ўзга хонадондан келган фарзанд янги ерга ўргангунча, то ўзиники қилгунча кўп вақт керак. Бунинг учун қайноналардан ҳам сабр-бардош талаб қилинади. Менимча оналар кизларини оилавий ҳаётга жуда эрта тайёрлашлари керак. Қизим Хумора, келиним Шаҳнозахонга қўлимдан келганча уй юмушларини ўргатаман. Келиним билан ҳудода шўкр, ҳали сан-манга борган эмасмиз, бир-биримизни тушунамиз.

Сўхбатдош
Маълумат НАБИЕВА.

Дунё яратилибдики, қуёш ҳам, юлдузлар ҳамани ҳам, она-ер ҳам боқийлик тимсоли бўлиб келган. Халқимизнинг фашизмга қарши мардонавор кураши, уруш йилларида тарихий жасорат кўрсатган юртимизнинг қаҳрамон фарзандлари ҳам сўнмас юлдузларга ўхшайди.

Фарғоналик Тўйчи Эрийгитовнинг афсонавий жасорати авлодларга достон этгуликдир. Чунки Қудрат Суёнов, Таштемир Рустамов, Карим Султоновлар қатори туриб жасорат кўрсатган паҳлавоннинг бири у!

Академик ёзувчи Ойбек, файласуф шоир Мақсуд Шайхзода ҳам Тўйчи Эрийгитовни қамолли эҳтиром билан қаламга олганлар.

1943 йилда Миртемир домла «Тўйчи Эрийгит ўғли» шеърини ҳаяжон билан

Матбаа
СЎПМАС ПОПАПАР

лан ёзганлар. Бу қаҳрамон ҳақида кўплаб очерклар битилган.

«Хайринисо хола титроқ кўллари билан пайпаслаб, ёстиқнинг тағидан муштдек тугунчани олди-да, аста очди. Унинг ичида бир сиким тупроқ билан бир парча нон бор эди.

У тишининг излари қолган ўша бир парча нонни

кўзларига суртиб, тупроқни ҳидлади...

Тугунчадаги шу бир қисим тупроқ, она юрагининг бир парчаси, азиз она ер унинг қулоқлари остида

шивирлайди. Ер қаъридан таниш бир нидо эшитилди. Онаизор уни бутун вужуди билан, жон қулоғи билан тинглайди.

— Онажон, бормисиз, омонмисиз! Яқин олтимиш йилдан бери мен сизга, сиз менга зорсиз. Ҳамон ўғлим келади, деб мени кутяпсиз!...

Бу лавҳа Ғафур Ғулом

номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида янги чоп этилган шоир ва журналист Ашуралӣ Аҳмедовнинг «Жангоҳ лолалари» китобининг «Онаизор» очеркидан келтирилган.

Ушбу китобдан ҳамюртимиз Тўйчи Эрийгитовнинг қаҳрамонлиги, шунингдек, жонини аямаган бошқа бир неча ҳамюртларимизнинг жасоратлари мадҳ этилган.

Китобдан жой олган «Машъала», «Қалб дафтери», «Ибратли умр» сингари очерклар ва «Сўнмас юлдузлар» ҳужжатли қиссаси ҳам тилининг содда, раволиги, қаҳрамонлар образларининг ўзига хос томонлари ёрқин акс этирилганлиги билан эътиборни тортди.

Назира ЖҲАЕВА.

ХҲРДАНИ ҲАМ, БУРДАНИ ҲАМ...

Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси ҳамда туманлардаги давлат солиқ идораларининг махсус назорат-тафтиш бўлимининг назоратчилари томонидан жорий йилнинг беш ойида жами 415 та қонунбузарлик аниқланди.

Чилонзор тумани Давлат солиқ идорасининг назоратчиси Т. Каримов улардан айримлари ҳақида бизга қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Фўқаро Мурод Иноятлов ҳуқуқсизлиги ҳақида кўра у 1997 йил 10 май кун «Очқопар» бўюм бозорининг ўлғурчи савдо қисмида 0,7 литрли 539 дон (донаси 340 сўмдан) жами 183260 сўмлик қоньякни акция маркаларисиз сотаётганда ўшланган. Унинг устидан жиноий иш қўзғатилиб, айна вақтда тергов ишлари олиб бориюмоқда.

Шунингдек, ушбу бозордаги сотувчилар Ойбек Раҳимов ҳамда Жалолддин Ҳасимовлар 2540 қўш, жами 131500 сўмлик турли хилдаги тамаки махсуслотларини акция маркасиз сотаётганда ўшланганлар. Бу ҳол бўйича ҳам тергов ишлари олиб бориюмоқда.

Мирзо Улуғбек тумани «ТТЗ-2» даҳасида жойлашган «Ширин» бозорида кўма савдо билан шуғулланиб юрвчи «Наврўз» савдохарид қорхонасининг сотувчиси А. Шабдиев хариддорлар ҳақида қиёнат қилиш чоғида қўлга тушди. У харидор Ш. Шайхмуродовдан у қилотграмм сармат учун 1460 сўм олиб, 45 сўм қайтим берган. Туман давлат солиқ инспекцияси ҳодимлари томонидан назорат тартибда текширув ўтказилган. Сотувчи А. Шабдиев хариддордан 171 сўм ортиқча пул олиб қолганини ҳамда харид қилинган сарматнинг оғирлиги 380 граммга кам эканлиги аниқланди.

Юқоридagi далилларга асосан сотувчи А. Шабдиев устидан жиноий иш қўзғатилиб, айна дамада тергов ишлари олиб бориюмоқда.

Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармасининг матбуот хизмати.

Бош муҳаррир Ёркин ЭРНАЗАРОВ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЁПОНЛАР

ҲҲРМАТЛИ
ҲАМШАҲАРЛАР!

«Тошгаз» бошқармаси табиий газдан фойдаланувчи шахримиз аҳолисига шунки маълум қиладики, табиий газни хавфсиз ва бетиҳот етказиб бериш ва газдан бўладиган ҳар қандай камчиликларни бартараф қилиш мақсадида хар бир туманга газларда кеча-кундуз ишлайдиган Авария-диспетчерлик хизматини жорий қилди.

Бу юртмалар бериш учун туманларда қуйидаги телефон рақамларига қўнғирок қилинг:

□ А. Икромов тумангази АДХ	— 74-44-34
□ Бектемир тумангази АДХ	— 90-73-80
□ М. Улуғбек тумангази АДХ	— 67-46-24
□ Миробод тумангази АДХ	— 54-15-61
□ Сирғали тумангази АДХ	— 58-84-33
□ С. Раҳимов тумангази АДХ	— 48-35-48
□ Юнусов тумангази АДХ	— 21-02-11
□ Шайхонтоҳур тумангази АДХ	— 42-39-26
□ Яккасарой тумангази АДХ	— 55-49-59
□ Ҳамза тумангази АДХ	— 96-39-61
□ Чилонзор тумангази АДХ	— 77-09-22
□ Марказий АДХ	— 04- ёки 53-56-19, 55-44-27

□ Шаҳар ер ости газ қувурлари хизмати

«Тошгаз» бошқармаси.



Шаҳримиз кўчалари доимо ана шундай серқатнов.

Рашид Галиев олган сурат.

ЖУМБОҚ

— Қизик, — дея ўйлаиб у ёқдан бу ёққа юра бошлади миллионер ўғри тушган хонадон кўздан кечираркан. — Тилла узук, сирға, шуба, маржон. Негадир ўғри фақат аёлларнинг нарсасини олган, ҳолос?

— Хона ўртасида турган эр миллионерга деди:

— Ахир мен биттагина котиюмни меҳмондорчиликка қийиб кетгандим-да.

ШИКОЯТ

— Мана бу хотинингиз бизга ёзган шикоятда айтилишича уйга хар қуни ярим кечада келармишсиз, шу ростики? — дея сўради миллионер.

— Ҳаммаси тўғри ёзилган, фақат мени ҳам тўғри тушуниш-да, агар эрта келсам хотиним тайёрлаган овқатни ейишга мажбур бўламан.

БЕЧОРА АЁЛ

— Ҳўш, бир бечора, ожиза аёлни тунашга қандай журят эдингиз, сизда дённат деган нарсаси борми ўзи? — дея сўроқ қила бошлади миллионер қўлга тушган ўғрини.

— Нега, у бечора бўларкан,

кўлларида бебаҳо узуклар, бўйиндаги марвариднинг ўзи фалон пул туради, ҳатто соати ҳам тилла эди...

САРТАРОШХОНАДА

Мижоз ўз аксини ойнада кўраркан жабл билан деди:

— Вой шўрим, мен сизга бўла-жак қуёв ўнча учрашим керак,

ХАВОТИР

Тунда уйғониб кетган хотин хо-

Табасум

дегандим-ку, бу нимаси, сиз ё атайин қилгансиз, ёки умуман соч турмаклашни билмайсиз. Қани, бошлигингизни қақринг-чи, мен сиз билан ўша ерда гаплашаман. Бу нима майнавозчилик?!

— Ўзингизни босинг, яхши қиз, ахир қуёв мени кўрганда ёқасини ўшлаб, юраги ўйнаб кетсин демаб-мидингиз?

— Тўғри, аммо бу ҳолатимни кўриб қочиб кетади-ку!

ТУНДА

Ярим кечада хотин аста эрини туртиб уйғотди.

— Дадаси, ҳой дадаси, қўшни хонада кимдир юрганга ўхшайди, ўғри тушган бўлмасин яна?!

— Уф-ф-ф, неча марта айтман

сенга, — деди эр бевақт уйғотгандан норози бўлиб. — Бирон нарсига тўла ишонч ҳосил қилмагунча, одамни безовта қилма деб. Аввал қўшни хонага ўтиб кўр, ростдан ҳам ўғри бўлса кейин уйғотасан.

ХАВОТИР

Тунда уйғониб кетган хотин хо-

нада у ёқдан бу ёққа юриб ухламаётган эрига қўзи тушиб сўради: — Ҳа дадаси, нега ётмайсиз?

— Соат ўн икки бўлаяпти-ю, ҳамон ўғлингдан дарак йўқ, — деди эр.

— Шунга хавотир олаяпсизми, ўғлимиз ёш бола эмас, йигит бўлиб қолган, юрса юргандир ўртоқлари билан.

— Телпагим билан этигимни қийиб кетганд-а, агар эрталабга-ча келмаса, ишга нимани қийиб бораман?

ДУШАНБА

Ишхонада Сожида Лоладан сўради:

— Шанба кунки телевизорда берилган кинони кўрдингми, жуда

ҳаётий экан?

— Кўролмамид, қўшимиз эри билан жанжаллашиб қолибди, уларни яраштиргунча ярим кеча бўлди, — дея жавоб берди Лола.

— Яқшанба кунки ҳам жуда ажойиб фильм кўрсатишди, кўргандирсан? — яна сўради Сожида.

— Уни ҳам кўролмамид, эрим билан арзимаган нарсига тортишиб қолдик, қўшнлар чиқиб иккимизни муросага келтиргунча ярим кеча бўлди.

ВАСИЯТ

Беморни кўздан кечираётган «тёз ёрдам» дўхтури сўради.

— Мен келгунча қадар беморга қандай муолажа қилдинглар?

— Ҳеч қандай муолажа қилмадик, бизлар васиятнома ёздиргунимизча сиз этиб келдинглар дўхтур.

МУЙПОВ

Ёш йигит дўстига деди:

— Эҳ-х-х, ҳалиям ҳеч нарсани тушунаймайсан-да, ахир бутун бу нақанги мўйлов қўйилмайдик-ку?

— Мен қўйганим йўқ, ўзи ўсиб чиқди.

Салоҳиддин СИРОҲИДДИНОВ.

ПАКЕТЧАЛАРДА ОМАД!
ВОЙИШГА ИМКОНИАТ!

«ИНВАЙТ+» ва «ЭЛИС», сотиб олинг, сув қўшиш ва ўйинимизда иштирок этинг!

«ИНВАЙТ-ПРИЗ» ҲҲНИ

«Инвайт+» ва «Элис»га сув қўшсангиз бўлиб, ақойиб кўза илҳоминг пайдо бўлганлик, соғат аларизингиз ҳам ютиш шугуналик осон.

«Элис»нинг 10 та бўш пакетчаси ёки «Инвайт+»нинг 10 та бўш пакетчаси қуйидаги маълумат юборсангиз: Тошкент, 700000, Бошпоштаман, «ИНВАЙТ-ПРИЗ ҲҲНИ» ёки конвертигизни Олий бозори Марказий павилонига ташлаб ўтсангиз, бас.

МИНГТА СОВГА!

ҲАҚ ОНИНГ ЕТАҚЧИ ФИРМАЛАРИ ИШЛАВ ЧИКАРГАН ТЕЛЕВИЗОРЛАР, ОНХОНА КОМБАЙНИЛАРИ, ТҲ ВЕЛОСИПЕДЛАРИ, РОЛИКТИ, ҚОҢҚИЛАР, ҲҲНИ МОСТАМАЛАРИ, АУДИО ВА ВИДЕОТЕХНИКА, ҲАМЛА ҚУПЛАР — КҲПЗАРУР ВА ҚОЙДАЛИ БҲҲМЛАР

«ИНВАЙТ-ПРИЗ» ЮТҚУЛАРИ ИШЛАЙД 1 АВГУСТ ВА ЭР СЕНТЯБР КҲНЛАРИ ҲҲНИ ОҚАЛИ НАМОЙИШ ЭТИЛАДИ. ЮТҚУЛАР НАТИЖАЛАРИ ҲАЗИРАТЛАРДА ЭҲЛОН ҚИЛИНАДИ. МАЪЛУМОТ ҲҲНИ ТЕЛЕФОНЛАР: (3712) 77-17, 40-72, 60-18 СИЗГА ОМАД ТИЛАЙМИЗ!

ИНВАЙТ

НEXIA автомобилли
Супер-«ИНВАЙТ-ПРИЗ»

ИШГА МАРҲАМАТ!

ҚУРИЛИШ-ТИЖОРАТ ФИРМАСИГА

тезлик билан танлов асосида юқори ҳақ тўланадиган иш жойига 4-тоифадан паст бўлганлар қуйидаги мутахассслар керак:

— тўсин ташловчи мутахассслар

— гишт терувчилар

— дурадгорлар,

— бетончилар.

Манзилимиз: Ҳамид Олимжон майдони, 10-а уй.

Тел: 133-11-97, 133-02-27.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тошкент вилоят маълумотини ошдириш институти ректорати ва тегир-таносил қасал-ликларни кадриларнинг ҳодимлари институтининг собик ректори, до-цент Ҳамидулло Ҳусанович Ҳусановга рафидаси, офтальмология ка-федрасининг собик ассистенти Заробат Зудфаровна СОЛИХОВНИНГ вафот этганини муносабати билан «қуруқ ҳамдардлик билдирадирлар.

Собир Раҳимов тумани ҳокимлиги томонидан Олимжон Баҳодирович Ҳидоятлов номига 1997 йил 4 мартда савдо-сотик учун берилган № 501453 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг махсус лицензия олган врач хусуси клиникасида ишлаш учун ҳамшираларни (25-40 ёш) ТАҚЛИФ ҚИЛАДИ

Тел: 61-58-33, 133-97-04, 29-18-89, 75-15-60.

«Алоқа» бекатидаги ҳамма қулайликларга эга бўлган шинам ҳовли эздик билан СОТИЛАДИ

Тел: 42-81-33.